SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 19-IYUN ■ PAYSHANBA ■ 73 (27.093) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон — Эрон: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

17-18 ИЮНЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ

Эрон ўзининг иқтисодий салоҳияти, табиий заҳиралари билан Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларида алоҳида ўрин тутадиган давлатдир. Жумладан, энергетика заҳиралари бўйича у дунёдаги «катта ўнлик»ка киради.

Ўзбекистоннинг Эрон билан муносабатлари кўп соҳаларда жадал ривожланмоқда. Сафар олдидан Президент Ислом Каримов икки мамлакат халқлари азал-азалдан бир-бирининг илм-фани, маданияти ва санъатини бойитиб, савдо-сотиқ қилиб келганини таъкидлади. Эрон Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамий давлатимиз раҳбарининг мазкур фикрини тасдиқлади.

Эронга ташрифдан кўзланган мақсад мавжуд алоқаларга баҳо бериш, ҳамкорликнинг натижаларини сарҳисоб қилиш, мавжуд муаммоларга ечим топиш ва шу орқали муносабатлар қўламини янада кенгайтиришга йўл очишдан иборат эди.

17 июнь куни Эрон Президентининг «Жумҳурия» қароргоҳида бўлиб ўтган музокаралар шу мақсадлардан келиб чиқувчи масалаларга қаратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Эрон муносабатлари ўзаро тенглик, ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида жадал ривожланмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги ташрифлар, ҳукумат делегацияларининг музокаралари уюштирилди. 2000 йилнинг июнида Ўзбекистон Президенти Теҳронга ташриф буюрди, ўтган йилнинг апрелида эса Эрон раҳбари Тошкентга келди. Бу воқеалар муносабатларимиз тарихида янги саҳифалар очилишига хизмат қилди, албатта. Мамлакатларимиз икки томонлама манфаат асосидаги узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоқда.

Ҳозирги кунда икки давлат минтақавий хавфсизлик, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда фаол ҳамкорлик қилиб келяпти.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги муносабатларнинг энг муҳим қисмини транспорт коммуникациялари ташкил этади. Томонлар бу борада мунтазам мулоқотларни йўлга қўйган. 1996 йили Ўзбекистон Эрон ҳудуди орқали 34 минг тонна транзит юк олиб ўтган бўлса, 2002 йили бу борадаги кўрсаткич 500 минг тоннага етди. Ўтган йили Ўзбекистон ҳудуди орқали Эроннинг 750 минг тонна юки ташилди. Савдо-сотиқ қўлами ҳам шундай суръатда ошмоқда. 2002 йили у 1998 йилга нисбатан 4 баробар ошиб, 260 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатларимиз банкмолия соҳасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келади.

Теҳрондаги музокараларда Эрон раҳбари ўз мамлакати икки томонлама алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Ислом Каримовнинг ушбу ташрифи ҳамкорликни янада ривожлантириш, уни ҳар томонлама бойитиш учун пухта замин яратишига ишонч билдирди.

Музокаралар якуни ушбу ишонч ҳамда Ўзбекистон ва Эронда ўзаро муносабатларни ривожлантиришга интилиш кучли эканлигини тасдиқлади. Президентлар музокара якунлари юзасидан қўшма баёнот имзолади.

(Давоми 2-бетда.)

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Назокат Усмонова). Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва олий ўқув юртлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур комиссия раиси Ҳ.Кароматов бошқарган йиғилишда мамлакатимизда билим олиш истагидаги ёшлар сони йил сайин ортиб бораётгани қувонарли экани қайд этилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, олий таълим муассасаларига иқтидорли ва чуқур билимли ёшларни танлаб олиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорида бу борадаги барча вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилган. Қарорга мувофиқ, 2003/2004 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51100, магистрлар тайёрлаш бўйича эса 5400 тани ташкил этади.

Қарорда олий таълим муассасалари хузуридаги махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумотга ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, шунингдек, болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Йиғилишда олий ўқув юртларидаги қабул комиссиялари фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш, бунда ота-оналар, энг асосийси, абитуриентлар учун етарли шароитларни яратиб бериш, тест синовларини юқори савияда ўтказиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.



ШАРТНОМА РЕЖАСИ БАЖАРИЛДИ

Андижон вилоят пиллакорлари шартнома режасини бажардилар. Мавсумда 41255 қути ипак қурти парваришланди. Соҳадаги илғор тажриба — плёнка усулида пилла етиштириш кенг қўлланилди.

Давлат қабул пунктларига 2229,6 тонна ўрнига 2289,2 тонна «кумуш тола» етказиб берилди. Вилоят бўйича ҳар қути қурт уруғидан ўртача 55,5 килограммдан ҳосил олинди. Улуғнор тумани пиллакорлари туманлар ўртасида пешқадам бўлди. Жалақудуқ, Избоскан, Шаҳрихон, Асака, Балиқчи, Бўз, Пахтаобод, Андижон, Хўжаобод, Булоқбоши туманлари пиллакорлари Андижоннинг зар хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

● ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ САРИ

СУД МУСТАҚИЛЛИГИ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

Суд ва матбуот ҳамкорлиги, учинчи ҳокимият билан «тўртинчи ҳокимият» ваколатлари, суднинг оммавий ахборот воситаларига, журналистларнинг судларга эътирозлари ҳақида ёзиш, гапириш анъанавий мавзуга айланиб бормоқда.

Бу йўналишдаги баҳс-мунозаралар эртага ҳам давом этиши, янада кенгроқ, очиқроқ, дадилроқ тус олиши табиий ҳол. Бундан ажабланиш ёки безовта бўлиб таҳликага тушиш ноўрин, албатта. Чунки, биз ҳуқуқий-демократик жамият сари бораяпмиз. Бу жамиятнинг энг асосий тамойиллари инсон ҳуқуқлари, суд мустақиллиги, сўз эркинлиги ва умумошкоралик билан боғлиқ. Бу «эркинликлар»га эришиш эса осон эмас, албатта. Йиллар керак бўлади... Ўн йиллар, юз йиллар давомида шаклланиб, тобланиб борадиган, одамлар онгида ўзгаришлар, жамиятдаги муҳит билан боғлиқ ўта мураккаб жараён бу. Буйруқ билан, инқилоб билан демократияни ўрнатиб бўлмайди. Йўқ қилиб ҳам бўлмайди. Бутун дунё оёққа туриб талаб қилганда ҳам бирор жойда бирданига демократик жамият пайдо бўлиб қолмаса керак. Айниқса, бир асрдан зиёд вақт давомида қулликда, қарийб бир аср тоталитар тузум ҳукм сурган мамлакатларда. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёни қандай бораётгани ҳақида фикр юритиш бу бошқа гап. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бир саволни ўртага кўндаланг қўяйлик: суд ва сўз эркинлиги учун кураш жараёни бизда қандай бораяпти, тезми, сустми, оқсаяптими?

Бу саволларга холис жавоб топиш учун сўнгги ўн-ўн икки йил орасида ҳар икки соҳада рўй берган туб ўзгаришларни тарозига солиб фикр юритмоқ керак бўлади. Биз собиқ совет тузумидан қолган барча қонунлардан бирданига воз кечиб, янги Конституция, янги қонунлар, меъёрий ҳужжатларни яратишдек кечиктириб бўлмайдиган, кўлами кенг, ўта мураккаб вазифаларни қисқа муддатда бажаришимизга тўғри келди. Шўро замонида жазолаш машинасига айланган суд соҳасини ислоҳ этдик. Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди ташкил этилди. Фуқаролик судлари фаолият кўрсата бошлади. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан Ўзбекистон судьялар Ассоциацияси тузилди. Судга одамлар жазоловчи идора эмас, балки ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этувчи идора сифатида қарай бошлашди. Тоталитар тузумнинг инсон қадр-қимматини ерга урувчи жазолаш усулларидан мутлақо воз кечилди. Илгари қандай бўлмасин қамоққа тиқишга ҳаракат қилинарди. Энди эса жазо тайинлашда озодликдан маҳрум этмай туриб, жазо қўллаш йўллари борми, деган савол қўйилмоқда. Бошқача айтганда, инсон тақдири биринчи ўринга чиқди, меҳр-шафқат, инсонпарварлик бош тамойилга айланди.Булар ўз-ўзидан амалга ошгани йўқ, албатта.

Президентимиз Олий Мажлиснинг қатор сессияларида суд ҳокимияти мустақиллигини тўла таъминлаш, суд ишлари холисона, ташқи аралашувларсиз кўрилиши лозимлигини кўп бор таъкидлади. Чунки суд мустақиллиги — холис иш кўриш дегани, инсон ҳуқуқлари дегани, адолат дегани.

Суд мустақиллигини таъминлаш, судьялар касб-малакасини ошириш, эътиқодини мустаҳкамлаш, ОАВни демократлаштириш жараёнлари бўйича қилинадиган ишлар, муаммолар, айтиладиган гаплар ҳам кўп ҳали. Энг муҳими, бу мавзулар юзасидан очиқ мулоқотлар, баҳс-мунозаралар тобора кенг тус олмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Конституциявий суди ташкилотчилигида ҳуқуқ-тартибот идоралари, ОАВ раҳбарлари, журналистлар иштирокида ўтказилган илмий-амалий семинарда ҳам бу масала қизғин муҳокама этилди. Тўғриси, мавзунинг номи одатдагидан бошқачароқ, аммо назаримизда ҳаётийроқ, аҳамиятлироқ бўлди. Эътибор беринг: **«Суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг роли».** Очиғи, айрим судьялар журналистлардан четроқда бўлишни, ҳамкорликдан кўра кўпроқ «ҳар ким ўз ишини қилсин», қабилида йўл тутишни афзал кўради.

Нега айнан шу мавзу семинар-кенгаш кун тартибига қўйилди?

Бўритош МУСТАФОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси:

— Айнан шу мавзу танланганлигининг сабаби бир нечта. Биринчидан, оммавий ахборот воситалари ҳар бир юртдошимизга бевосита етиб бориш имкониятига эга. Иккинчидан, суд ҳокимияти мустақиллиги таъминланишидан нафақат суд органлари, судьялар балки бутун жамият манфаатдор. Шундай экан, бу ишда айнан оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг ҳуқуқий онгига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти чексизлигини ҳисобга олиб, уларни бевосита иштирокисиз бу муаммони ечилишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Кенг жамоатчилик, бутун халқимиз билан давлат идораларининг бу борадаги ҳаракатлари уйғунлашмас экан, бу ишдан натижа кутиш қийин. Ана шу ҳаракатларни уйғунлаштириш вазифасининг катта қисми айнан оммавий ахборот воситаларининг зиммасига юкланмоқда.

Учинчидан, телевидение, радио, газета ва журналлар орқали жамоатчилик суд ҳокимиятининг бўғинлари фаолиятига муносабатини билдириш имкониятига эга, керак бўлса бу борадаги жойларда амалга оширилаётган ишларни назорат қилиши ҳам мумкин...

Бундай фикрлар, қарашлар судлар ва ОАВ ўртасидаги муаммоларни бартараф этишга, ҳамкорликни фақат яхшилашга, ошкораликни таъминлашга, демократик жараёнларни тезлаштиришга хизмат қилади. Сир эмас, ҳозир сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, ахборот излаш, олиш ва узатиш эркинлиги ҳақида Ўзбекистон Конституцияси, қатор қонунларда кафолатланган бўлса-да, амалда журналистга берилган қонуний ҳуқуқни тан олишни истамаслик ҳолатлари юз бериб турибди.

Ҳатто, очиқ суд мажлисида журналист иштирокига қаршилик кўрсатиш, сўралган маълумотларни бермасликка ҳаракат қилиш, мутлақо асоссиз равишда «юқори»нинг рухсатини талаб қилиш каби тутуриқсиз муносабатларга ҳам дуч келинмоқда. Нега? Бизнингча, судья ёки ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим ходимлари шу маълумотни бериш тўғрими, йўқми, аниқ билмаётганга, журналист бу маълумотдан қайси мақсадда фойдаланиши мумкинлигидан чўчинқираётганга ўхшайди. Журналистнинг тепасида бўлим мудири, муҳаррир борлиги, ҳар бир сўз учун улар қонун олдида жавобгар эканлиги, қолаверса, ҳаммамизнинг мақсадимиз бирлигини ҳар доим ҳам англаб етишмаётганга ўхшайди.

Журналистлардан маълумотларни яшириш ёки муҳим воқеа-ҳодисалардан уларни хабардор этиб, ҳамкорлик қилишнинг аҳамиятини чуқур тушинмасликдан ҳаммамиз ютқазамиз.

2-бет

ТОҲИР-ЗУҲРА — МУҲАББАТ ТИМСОЛИ

Қашқадарё замини муқаддас зиёратгоҳларга бойлиги билан ажралиб туради. Айниқса, достонлар, эртаклар қаҳрамонлари Тоҳир-Зуҳра, Ёзи ва Зебо зиёратгоҳлари халқимиз қалбидан чуқур жой олган.

Яқинда Ғузор туманининг «Қовчин» қишлоғидаги Тоҳир-Зуҳра зиёратгоҳида яратилаётган кўркам мажмуада вилоят ва Ғузор туман ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўғими ташаббуси билан адабиёт ва санъат байрами бўлиб ўтди. Тадбир «Тоҳир-Зуҳра — муҳаббат тимсоли» деб номланди. Унда китоблар кўргазмаси, бахшилар мусобақаси, шоирлар беллашуви, санъаткорлар чиқишлари бўлди. Энди ҳар йили ушбу байрам зиёратгоҳда анъанавий тарзда ўтказилади.

✧✧✧

Суратда: «Тоҳир-Зуҳра — муҳаббат тимсоли» тадбиридан лавҳа.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

● СПОРТ

ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Грециянинг Солоники шаҳрида таэквондо (ITF) бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати поёнига етди. Дунёнинг саксон олти давлати спортчилари қатнашган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

— Чемпионатда мамлакатимиз таэквондочилари умумжамоа ҳисобида Шимолий Корея, Чехия спортчиларидан кейин фахрли учинчи ўринни эгалладик, — дейди Ўзбекистон таэквондо Миллий ассоциацияси президенти Пўлат Усмонов. — Шахсий ҳисобда қўқонлик Акмал Эргашев олтин, тошкентлик Михаил Чистяков, Леонид Ли, пойтахт вилоятидан Алла Ким (иккита) кумуш, Диана Қобулова ҳамда Элмурод Тожибоевлар эса бронза медалларига сазовор бўлди. Жамоавий гуруҳ баҳсларида Фаҳриддин Умаров (Тошкент), Шерзод Болтабоев (Косонсой), Эркин Наврўзов (Бухоро), Алишер Маҳкамов(Тошкент вилояти)лар кумуш, Бобобек Казаков, Алексей Курмаков, Дмитрий Шин, Нодир Ҳожиев (ҳаммаси Сирдарёдан)лар бронза медалларини қўлга киритишди.

Шунингдек, мусобақалар давомида Ўзбекистон таэквондо Миллий ассоциацияси «Энг яхши федерация» номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди ва махсус орден билан тақдирланди.

Кеча эрта тонгда юртимиз таэквондочилари пойтахт аэропортида ота-оналар, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан тантанали кутиб олинди.

Эркин ХОЛБОБО

✧✧✧

Суратда: Тошкент аэропортида спортчиларни кутиб олиш пайти.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

БИЗНЕС БАНК

ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

BUSINESS BANK

Ўзбекистон — Эрон: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳукуматлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар, савдо имтиёзлари, ўсимликлар карантини борасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Эрон Экспортни ривожлантириш банки ўртасида кредит битими, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати билан Эрон Хавфсизлик вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми қабул қилинди. 2000 йили имзоланган экстрадиция тўғрисидаги битим. бўйича ратификация ёрлиқлари алмашилди.

Транспорт коммуникациялари иқтисодиётнинг асосий бўғинларидан бири саналади. Ўзбекистон учун денгиз йўлларига чиқиш имконияти чекланган муайян қийинчиликлар туғдираётгани сир эмас. Тўғри, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, шимолий йўналишда коммуникация тармоқлари мавжуд. Лекин мамлакат нигоҳини фақат бир томонга қаратиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди.

Шу сабабли ҳам Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон, Афғонистон, Эрон ҳамда Ислом тараққиёт банки ва Осиё тараққиёт банки иштирокида трансафғон йўлагини очиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. У Термиздан бошланиб, Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Ҳирот шаҳарлари орқали Эрон ҳудудига туташади. Эрондаги мавжуд коммуникация тизимлари эса Бандар Аббос ҳамда Чорбаҳор бандаргоҳларига етиб олиш имконини беради. Бу билан Марказий Осиёдан Форс кўрфазига, океанга туташган бандаргоҳларга чиқиш, у ёқдан эса минтақамизга келиш учун янги, арзон ва қулай йўл очилади.

Ушбу масала ташрифнинг иккинчи кунида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий ва Афғонистон Ўтиш ҳукумати раиси Ҳамид Карзай иштирокида бўлган уч томонлама учрашувнинг асосий мавзуи бўлди.

Эрон ва Афғонистон раҳбарлари Ислом Каримовнинг мазкур ташаббусини тарихий воқеа сифатида баҳолади. Зеро, йўл қурилиши нафақат мазкур уч мамлакат, балки уларга қўшни давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кескин ривожланишига ҳам йўл очиши аниқ.

Бу лойиҳанинг фақат интеграцияни ривожлантиришдаги аҳамияти эмас, Афғонистон иқтисодиётига келтирадиган фойдаси ҳам беқиёсдир. Йўл қурилиши ўз-ўзидан бошқа соҳаларни ривожлантиради. Янги тармоқлар пайдо бўлади, минглаб одамлар иш билан таъминланади. Ислом Каримовнинг айтишича, Афғонистон ўзи юк ташимаган тақдирда ҳам, транзит хизматидан катта даромад кўради.

Афғонистонда кечган узоқ йиллик уруш Ўзбекистон учун жанубий йўналишларни ўзлаштиришда катта тўсиқ бўлиб келди. Ниҳоят, бу мамлакат тинч ҳаётга қадам қўйганидан кейин ҳамкорлик имкониятлари пайдо бўлмоқда.

Трансафғон йўлаги ҳақида гап очилмасидан олдин Ўзбекистон Афғонистонга коммуникация тармоқларини тиклашда ёрдамни бошлаб юборган. Кўприксозларимиз шу кунгача ушбу мамлакатдаги бир неча кўприкни тиклаб, фойдаланишга топширди. Улар таъмирлаяжак кўприклар сони эса ўндан зиёд. Демак, лойиҳа бу саммитдан анча аввал ҳаётга татбиқ этила бошлаган, дейишга асосимиз етарли.

Албатта, бундай улкан ишни бажариш катта маблағ талаб қилади. Теҳрондаги уч томонлама музокараларда бу масала ҳам муҳокама этилди. Президентларнинг билдиришича, ҳозирданоқ қатор давлатлар, халқаро молия ташкилотлари лойиҳага қизиқиш билдирмоқда. Бу Президентимиз ташаббусининг истиқболи порлоқ, деб хулоса чиқаришга имкон беради.

Музокаралар якунида Ислом Каримов, Муҳаммад Ҳотамий ва Ҳамид Карзай ушбу масалаларни қамраган Халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битимга имзо чекди. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, уч давлат раҳбари мазкур лойиҳага оқ фотиҳа берди.

Ўзбекистон раҳбари Ислом тараққиёт банки (ИТБ) президенти Аҳмад Муҳаммад Али Ал-Маданий билан ҳам учрашди. Суҳбат давомида халқаро коммуникация тармоқларини ривожлантиришда ИТБ билан ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, томонлар мазкур банк билан Ўзбекистон молия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласини муҳокама этди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Афғонистон Ўтиш ҳукумати раиси Ҳамид Карзай иштирокида икки мамлакат делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон — Афғонистон муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимиз томонидан қўшни ўлкага ёрдамни кўпайтириш, тикланиш ишларидаги иштирокимизни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф арафасида Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги қабрини ободонлаштириш масаласига ҳам тўхталган эди. Теҳрондаги музокарада бу мавзу яна бир бор тилга олинди. Афғонистон бу борада Ўзбекистонга ҳар томонлама шароит яратишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Эронга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Эрон матбуоти бу ташрифга алоҳида қизиқиш билан ёндашганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Зеро, Ислом Каримовнинг Теҳрон сафари нафақат Ўзбекистон — Эрон муносабатлари, балки минтақавий интеграция ривожи учун янги имкониятлар эшигини очди.

«Иран ньюс» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Шубҳа йўқки, жаноб Ислом Каримовнинг ташрифи Ўзбекистон — Эрон муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади ва ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб беради».

Ҳа, манфаатлар уйғун, яқдиллик мавжуд. Демак, ҳамкорлик янада равнақ топиши учун мустаҳкам замин яратилди. Бу ҳамкорлик ўз самарасини беришига барча асослар етарли.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Теҳрон — Тошкент.

☆☆☆

Суратда: ташриф пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

● ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ САРИ

СУД МУСТАҚИЛЛИГИ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бўритош МУСТАФОЕВ маърузасидан:

«Ахборот олиш эркинлиги мавжуд, лекин тергов, суд идораларидан қонун йўл қўйган доирада маълумот олиш йўлга қўйилмаган. Мен олдинги, шу ерда ўтказилган йиғилишда ҳам айтган эдим, яна такрорлайман 2002 йилда 9 мингга яқин судланувчи суд залидан ярашув муносабати билан жиноий жазодан озод қилинди. Бу Жиноят кодексининг 26 моддасида санкция либераллаштирилиши оқибатида юз берди. Бу умуминсоний принципларга асосланган, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадриятини тиклаш, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошираётганлигидан далил. 9 минг кишини уруғ-аймоғи, фарзандлари, оиласи судланган деган тавқи лаънат тамғасидан қутилди, баъзилари лагерларга, тергов ҳибсхоналарига қатнаш азобидан қутилди.

Агар журналистлар шу ишларни ҳар биридан хабари бўлганда, ишончим комил, — давлатнинг адолатпарвар сиёсатини оммавий ахборот воситаларида тўғри, ҳаққоний ёритган бўлар эдилар».

Анжуманда журналистлар ҳам ниҳоятда холис ва малакали бўлмоғи, қонун доирасида фаолият кўрсатиши лозимлиги ҳақида ҳам қатор фикрлар билдирилди. Афсуски, суд очеркларида, жиноят ишлари билан боғлиқ мақолаларда қонун талабларига итоат этмаслик ҳоллари ҳамон учраётгани айтилди.

Конституциявий суд судьяси Узоқ БОЗОРОВ маърузасидан: «Очиғини айтиш керак, журналистлар ҳанузгача оммавий ахборот воситалари фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни тўлиқ ўзлаштириб олган эмаслар. Гоҳида улар «журналист текшируви» ўтказамиз деб «процессуал текширув»ларга ҳам аралашиб қолмоқдалар».

Бу фикрга эътироз билдирсак, менимча, асоссиз бўлади. Бир томонлама ёзилган, чуқур таҳлил этилмаган ёки суд ҳукми кучга кирмай туриб, журналистнинг шахсий мулоҳазаси битилган мақолалар гоҳ у, гоҳ бу газетада чиқиб кетаяпти. Ҳатто, суд ҳукми устидан ҳукм юргизишга интилиш ҳоллари ҳам сезилмоқда. Назаримда, бунга сабаб аксарият ҳолларда журналистлар малакаси етишмаяпти. Шу боис семинарда қуйидаги таклифлар ўртага ташланди:

— ҳуқуқий мавзуда ижод қилаётган журналистларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида малака ошириш курсларини ташкил этиш;

— журналистларнинг ихтисослашувига кўмаклашиш;

— суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқ тартибот органларида журналистлар учун амалий машғулотлар ташкил этиш;

— долзарб мавзудаги мақолалар муаллифларини рағбатлантириб бориш.

Бундай тадбирларни айниқса, вилоятларда ташкил этишда кўпроқ эътибор бериш лозимлиги ҳам қайд этилди.

Ўзбекистон Олий суди раисининг ўринбосари **Бахтиёр ЖАМОЛОВ** ўз маърузасида матбуотда йўл қўйилаётган бирёқламалик ҳақида алоҳида тўхталди. Бундай камчиликлар бир томонни эшитиб, унинг таъсирига тушиш, иккинчи томонни эшитмаслик оқибатида юз бераётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, биз журналистлар кўнглимиз бўшлиги, таъсирчанлигимиз, баъзан соддалигимиз, эҳтимол гўллигимиз сабабми, ким биринчи бўлиб, арз-додини айтиб, йиғлаб келса, ўша одам кўзимизга эзилган, хўрланган бўлиб кўринади. Тўғриси, унинг гапини қўлидаги ҳужжатлари ҳам тасдиқлаб туради. Натижада иккинчи томонни эшитиш шарт эмасдек туюлади. Ваҳоланки, иккинчи томон қўлида бояги «жабрдийда»нинг ҳужжатларини инкор этувчи бошқа ҳужжат бўлиши мумкин Бундан қатъи назар, ҳақми, ноҳақми, ҳар икки томонни эшитиш тўғри бўлади.

Яна бир оғриқли масала, бу айрим судьяларга тегишли. Оммавий ахборот воситаларида судлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар, юзаки, шошма-шошарлик билан чиқарилган ҳукм ёки қарорни танқид қилиш ҳаммага ҳам ёқавермаслиги тушунарли. Журналистни ўзи билмаган масалага аралашаётганликда айбламоқчи бўлишади, асосий масала бир четда қолиб, кичкина хатони дастак қилиб, матбуотни танқид қилишга ўтишади. Гўё судья ҳеч хато қилмайдигандек.

Бахтиёр ЖАМОЛОВ маърузасидан:

«Судлар фаолиятини ташкилий таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги Фармони билан судларнинг ихтисослаштирилуви, яъни фуқаролик ва жиноят ишларини алоҳида-алоҳида судларда кўрилиши муҳим аҳамият касб этди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтирди.

Ихтисослашувдан кейинги дастлабки икки йиллик таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўтказилган ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг судларга бўлган ишончлари ортиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш юзасидан мурожаатлари йил сайин кўпайиб бормоқда.

Масалан, 2000 йилда фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаатларнинг сони 90 мингни ташкил этган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 120 мингни ташкил қилади ёки кўрилган ишлар 25 фоизга ўсган. Ҳозирги кунда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди бир судьясининг бир ойлик иш ҳажми 60 та ишни ташкил қилади. Бу дегани бир судья ҳар куни иккита ва ундан ортиқ ишларни кўриб чиқмоқда. Фуқаролик ишлари бўйича ҳужжатлар бевосита суд жараёнида тўпланишини, судьялар ишларни у тумандан бу туманга қатнаб кўришини эътиборга оладиган бўлсак иш ҳажмининг бир мунча юқори эканлиги кўринади...»

Ўз-ўзидан савол туғилади: ахвол шундай бўлгач, судьялар хато қилмайдими? Ҳар бир иш пишиқ ва пухта кўрилишига ким кафолат бера олади? Табиийки, юзакичиликка, хатоларга йўл қўйилади, шикоятлар бошланади. Ана шундай пайтда журналист судда кўрилган иш бўйича ўзи тўплаган далил-ашёлар, гувоҳлар кўрсатмаларидан келиб чиқиб, шахсий фикр-мулоҳазасини айтиш мумкин-ку. Аммо шу ўринда кўпинча баҳсли масалага дуч келинади. Айримлар журналист фақат ахборот бериши керак, муносабат билдиришга, суд ҳукми ёки қарорига баҳо беришга ҳаққи йўқ, бунақада суд мустақиллиги нима бўлади, обрўси нима бўлади, дея хавотир олади.

Бу ерда икки масала бир-бирига аралашиб кетаётганлиги сабабли чалғиб қолаяпмиз шекилли. Шу икки масалани бир-биридан ажрим қилсак, вазият ойдинлашади. Биринчидан, тергов ёки суд жараёни (агар мутлоқ махфий, ёпиқ бўлмаса) ҳақида фақат ахборот бериш билан чекланиш дунё тажрибасида бор. У ёки бу томонга ён босиш, бир томоннинг фикрини бериб, иккинчи томонни (адвокат, терговчи, прокурор назарда тутилаяпти) бермасликнинг ўзи бир томонга ён босиш ҳисобланади.

Иккинчи масала, суд ҳукми, қарори қонуний кучга киргач, журналист текшируви натижалари бемалол эълон қилиниши мумкин.

Афсуски, бу икки ҳолатни баъзан журналистлар ҳам, айрим судьялар ҳам фарқлашмаётганга ўхшайди.

Ўзбекистон судьялар Ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари **Убайдулла МИНГБОЕВ** ҳам ушбу масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Адвокат, «Ҳуқуқ ва бурч» телекўрсатуви муаллифи Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ сўзидан:

«Жаҳон оммавий ахборот воситаларида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам кўпчиликни қизиқтирадиган суд мажлисларининг бориши ҳақида репортажлар бериб бориш керак. Хабар бераётган журналист тарафларга баҳо бермаслиги, судда ким нима дегани ҳақида билдириш билан чекланиши зарур. Бироқ, айрим ҳолларда судьялар томонидан очиқ суд мажлисларини видеокамера ёки диктофон ёрдамида ёзиб олишга тўсқинлик қилиш, журналистларни суд залига киритмаслик ҳолатлари учрамоқда... Журналистлар ўз касбий вазифаларини амалга ошириши кимнингдир рухсатига боғлиқ бўлиб қолмаслиги, очиқ суд мажлисларини ёритиши учун ҳеч қандай рухсат олинмаслиги керак».

Шунингдек, республика Бош прокуратураси бўлими бошлиғи И.Жасимов, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш жамғармаси ҳамраиси Х.Дўстмуҳаммедов, ҳуқуқшунос-журналист Ҳ.Олимжонов маърузаларида ҳам Суд ва ОАВ ҳамкорлиги кучайтирилса, умумишимизга халақит бераётган кўпгина камчилик ва муаммолар барҳам топиши, бундан биринчи навбатда суд ва матбуот, бутун жамият манфаат кўриши таъкидланди.

Аниқ таклифлар, жонли мулоқотлар билан ўтган анжуман сўнггида Бўритош Мустафоев менимча кўпчилик кўнглидаги фикрни айтди: «Мен ҳамкасбларимга мурожаат қиламан, халқ манфаати йўлида, ҳуқуқчиликни мамлакатда мустаҳкамлашда, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, судлар мустақиллигини таъминлашда «тўртинчи ҳокимият» кучидан, журналистлар имкониятидан фойдаланиш керак».

Ўз навбатида худди шунга ўхшаш даъват журналистлар учун ҳам зарурга ўхшайди.

Сафар ОСТОНОВ

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ МУҲОКАМАСИ

◆ **ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши** Риштон туманида партия фаоллари ва ХДПдан сайланган депутатлар иштирокида йиғилиш ўтказди. Унда янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди ҳамда Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ХДПдан депутатлик гуруҳи раиси М.Хўжаевнинг ахбороти тингланди. Тадбирда Олий Мажлис депутатлари М.Ҳайдаров, М.Анварова, вилоят Кенгаши депутатлари Р.Комилов, И.Расулов, Р.Лукмонов, Риштон туман ҳокими ўринбосари Х.Бурхонов ва қатор туман ва шаҳар партия ташкилотлари етакчилари сўзга чиқиб, қонун лойиҳаси юзасидан ҳамда партия депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

◆ **Паркент туман партия кенгаши**да ўтган фаоллар йиғилишида ЎзХДП МК бешинчи пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Мазкур масала бўйича туман партия кенгаши биринчи котиби Ҳ.Исаева маъруза қилиб, партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Йиғилишда, шунингдек, ХДПдан Халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши депутати С.Нурматованинг депутатлик бурчларини амалга ошириш амалиёти тўғрисидаги ахбороти тингланди.

◆ **ХДП Уйчи туман кенгашида** ўтказилган мулоқотда янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

◆ **ХДП Жиззах шаҳар кенгаши** ташаббуси билан, Жиззах вилоят ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш билим юрти негизида ўтказилган тадбир ҳам мазкур мавзуда бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан БПТ котиби Ш.Бойсунова, билим юрти директори Т.Икромов, ХДП Жиззах вилоят ҳамда Жиззах шаҳар кенгашлари биринчи котиблари М.Иномов ва Т.Аҳмедовлар партия ташкилотлари фаолиятлари самарадорлигини ошириш бўйича аниқ фикрлар билдирдилар.

ХАЛҚ БАНКИ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон банк тизими жаҳон молия тизимига кириб бормоқда

Давлат-тижорат Халқ банки 2002 йил Пекинда бўлиб ўтган Жаҳон жамғарма банклари институтининг 19-Бош Ассамблеясида аксарият овоз билан мазкур халқаро молия муассасасига қабул қилинган.

Жорий йилнинг 21 майида Испаниянинг Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган жамғарма банкларининг ХХ юбилей Конгрессида Давлат-тижорат Халқ банкининг иштирок этиши ҳам унинг халқаро нуфузи ва жаҳон молия институтлари орасида обрў-эътибори ортиб бораётганлигидан ёрқин далолат.

Бўлиб ўтган Конгрессда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик юзасидан шу йилнинг 18 март куни имзоланган шартнома асосида (Жаҳон жамғарма банклари институти билан олиб борилган музокаралари туфайли), Халқ банкига Жамғарма кассалари Фонди (Жамғармаси)нинг беғараз грантлари берилди.

Ўзбекистон ва Жамғарма ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари 1996 йилда бошланган. Ўтган вақт давомида Тошкент ва Бремен шаҳарларида Германиянинг етакчи жамғарма банклари вакиллари ҳамкорлигида қатор семинар ва учрашувлар ўтказди. 2002 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Жамғарма мутахассислари томонидан Халқ банки фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, банкка беғараз ёрдам кўрсатиш лойиҳаси бўйича иш бошланишига қарор қилинди.

Шу тариқа, Халқ банки ва Жамғарма ўртасидаги кўп йиллик ҳамкорлик муносабатларининг истиқболи яқинда Халқ банки ва Жамғарма томонидан имзоланган ўзаро ҳамкорлик шартномаси билан яна бир бор ўз тасдиғини топди. Лойиҳа Халқ банкига юқори малакали халқаро эксперт ва консультантлар юбориш, Халқ банкининг мутахассисларини Германиянинг етакчи молия муассасаларида малакасини ошириш ва банк инфратузилмасини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

● ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ —

Мамлакатимиз Қуролли Кучларида туб ислоҳотлар ўтказилмоқда. Армиямиз жанговар шайлигини янада ошириш, аскарларимизни энг замонавий қурол-яроғ, техника билан таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда. Негаки, ҳаётнинг ўзи армиямизни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришни талаб этаётир. Бунинг учун эса унинг ҳуқуқий асосларини пухта ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиш лозим. Шунинг учун ҳам Олий Мажлиснинг ўнинчи ва ўн биринчи сессияларида икки муҳим ҳужжат қабул қилиндики, бу бевосита Қуролли Кучларимизга тааллуқлидир. Булар — «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунлардир.

Қуролли Кучларимизда ислоҳотлар шаҳсан Президентимизнинг таклифи ва ташаббуси билан амалга оширилаётир.

«Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатидан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш — Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир, — деган эди Юртбошимиз Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида.

Бу сўзларда шаклланаётган замонавий армиямизнинг қиёфаси акс этган. Бу қиёфани биттагина сўз билан ифодалашимиз мумкин: ПРОФЕССИОНАЛ. Профессионал армияда профессионал ҳарбийлар хизмат қилишади. Иқтидорли, ҳарбий соҳанинг устаси, мард, матонатли, фидойи кишилар устига ҳарбий либос кийишади. Тўғрироғи, энди ҳарбий хизматга танланади, қабул қилинади.

Муддатли ҳарбий хизмат қилишни, умуман ҳарбий бўлишни хоҳловчилар кўп. Лекин уларнинг барчаси хизматга олинавермайди. Бунинг учун аввало синовдан ўтиши керак.

Маълумки, Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. 1992 йилда ҳам шундай Қонун қабул қилинган эди. Бу мутлақо янги Қонун. Фақат номлари бир хил, холос. Улар бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Янги қабул қилинган Қонунга биноан бизда ҳарбий хизматнинг янги турлари пайдо бўлди.

Қонуннинг 4-моддасида ҳарбий хизмат турлари қуйидагича ифодаланган:

«Ҳарбий хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш бораси-даги давлат хизматининг алоҳида туридир.

Ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари жорий этилади:

муддатли ҳарбий хизмат;

сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;

контракт бўйича ҳарбий хизмат;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати».

Янги Қонунга мувофиқ, муддатли ҳарбий хизмат чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг белгиланган муддатда Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир. Унга кўра, муддатли хизматни ўтаётганлар ўн икки ой (олий маълумотли шахслар тўққиз ой) хизмат қилишади.

Ёш йигит ўн икки ой ичида тўлиқ ҳарбий тайёргарликдан ўтади. Жанговар қуролларни ишлатиш ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш кўникмасига эга бўлади.

Яна бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаш керак. Ўғлининг ўн икки ой хизмат қилиши отаоналар учун ҳам маъқул тушади.

Бир йил ичида аскар йигит ўзининг ҳаёт йўлини танлаб олади: ё ҳарбий соҳани дейди ёки фуқаровий бирор касбни танлайди.

Барчамизга яхши маълумки, фуқаролар йилига икки марта муддатли ҳарбий хизматга чақирилади. Бироқ армия ёшидаги, яъни соғлиғи ва бошқа жиҳатларига кўра муддатли ҳарбий хизматга яроқли фуқаролар сони хизматга сафарбар этилиши лозим бўлган йигитларимиз сонидан анча кўп.

Талаб каму чақирилувчилар сонининг кўп бўлиши яхши ҳолат. Илгари чақирилувчилар орасида муддатли хизмат қилишдан бўйин товлайдиганлар учраб турган бўлса, энди ундайлар мутлақо учрамайди.

● ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗА

КАСБ ТАЪЛИМИНИНГ МУҲИМ ҚИРРАСИ

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да «Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар замирида замонавий маданият, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир», деб қайд этилган. Ана шундай ҳаётий заруратни рўёбга чиқариш мақсадида таълим тизими мазмунини таркибан қайта қуриш ва тубдан янгилаш ишлари ҳозирги кунда Миллий дастур ижросининг иккинчи босқичи талаблари асосида кенг кўламда олиб борилмоқда. Ўтган қарийб олти йилда ушбу дастур ижросини таъминлаш борасида муҳим қадамлар қўйилди.

Мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Нисбатан қисқа муддатда тегишли ҳуқуқий-меъёрий асос яратилди, олий таълим муассасаларининг моддий-техник ва интеллектуал базасини яхшилаш юзасидан жиддий режалар амалга оширилмоқда. Замонавий ахборот ва коммуникацион технологиялар жадал суръатлар билан таълим тизимига кириб келди. Жаҳон талаблари даражасида таълимни ташкил қилишнинг муҳим омилларидан ҳисобланган янги ўқув адабиётлари, умуман, билим олишнинг янгича манбалари яратилмоқда. Нуфузли хорижий университетлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик муҳити шакилланди.

«Давлат таълим стандартлари (ДТС)» ҳамда «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори»нинг ишлаб чиқилиши тизимни янги поғонага кўтаришда муҳим қадамлардан ҳисобланади. Амалда қўллаш тажрибалари асосида, шунингдек, меҳнат бозори конъюктураси ва профессионал кадрлар тайёрлашда жаҳон тенденцияларининг шу кундаги ва истиқболдаги талабларига мувофиқ равишда бу меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш узлуксиз давом этмоқда.

Миллий дастур ижросининг иккинчи босқичи учун мўлжалланган (2001-2005) муддатнинг ҳам ярми якунланмоқда. Бугунги кунда тўпланган тажрибалар натижаси доирасида мулоҳаза юритиш ва шу асосда амалий таклифлар киритиш лозим бўлган масалалар топилиши табиий. Дарҳақиқат, Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичида дастур ғоялари ва қоидаларига керакли ўзгартиришлар, аниқликлар киритиш кўзда тутилган.

Уларни бирма-бир санаб ўтирмасдан, педагогик кадрлар тайёрлашдек энг долзарб масалага қисман бўлса-да тўхталиб ўтайлик. Миллий дастур ижросининг иккинчи босқичида «Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади» — деб белгиланган.

Бинобарин, уни амалга оширишнинг илк даврида ўзининг ижобий вазифасини ўтаган, шунингдек, орттирилган тажрибалар ва таҳлилий хулосалар асосида эндиликда янгича қарашни талаб қиладиган масалалардан бири — коллежлар учун касб-ҳунар (касбий фанлар) ўқитувчилари тайёрлашнинг ҳозирги тизимидир. Бу ерда кадрларнинг сони билан бир қаторда уларнинг малакавий тайёргарлиги қай даражада эканлиги ҳам эътиборли ҳисобланади. Ҳозир 48 та олий таълим муассасалари бундай вазифани амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йил 21 февралдаги буйруғи билан касб таълими кадрларини тайёрлаш бўйича 66 та ўқув режаси тасдиқланган эди. Бу режаларга асосан, баъзи йўналишларда тармоқларга бўлиниши ҳам кўзда тутилганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, 66 тадан анча кўп йўналишлар учун касб таълими бакалаврлари тайёрлашни амалга ошириш мумкин. Бундай касб таълими йўналишлари классификаторнинг 7 та билим соҳаларидаги базавий таълим йўналишларига мос бўлиб, улардан энг кўпи, яъни 41 таси «Муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари» номли билим соҳасидаги базавий йўналишларга алоқадордир.

Ҳозир амалда қўлланилаётган касб таълими ўқув режалари, мос базавий таълим ўқув режаларидаги касбий фанлар рўйхати ва улардан баъзиларига ажратилган соатлар миқдорини нисбатан қисқартириб, бўшаган соатлар ўрнига педагогик маҳоратни шакллантирадиган фанларни киритиш йўли билан яратилган. Шу боис касб-ҳунар ўқитувчилари тайёрлашдаги ҳозирги тартибнинг икки жиҳатига эътибор бериш керак: улардан бири, қандай ўқув режалари асосида тайёргарлик олиб борилаётганлиги бўлса, иккинчиси, таълим қандай моддий-техник ва интеллектуал базада ташкил қилинаётганлигидир.

Менинг назаримда, муайян касб соҳаси бўйича таълим берадиган ўқитувчи, биринчи навбатда, ўз соҳасининг (касбининг) олий соҳиби ва бунга қўшимча равишда педагогик маҳоратга эга шахс бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси амалий тажрибага эга бўлса ундан-да яхши. Шу сабабли касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси лавозимига номзод, ҳеч бўлмаганда, асосий касби бўйича тўлиқ бакалаврлик даражасига эга бўлган, муайян амалий тажриба эгаллаганлар қаторидан махсус педагогик курслар негизида тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бизнингча, бу билан бир неча масалалар ўз ечимини топа оларди:

— илгари тегишли касбни эгаллаб, амалий тажриба орттирган ва эндиликда ўқитувчилик қиламан, деган мутахассисларни танлов асосида касб-ҳунар коллежларида педагогик фаолиятга жалб қилиш;

— янгидан ташкил этилаётган коллежларни юқори савияли ўқитувчилар билан таъминлашни тезлаштириш;

— касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг профессионал етуклигини таъминлаш, таълим сифатини ошириш.

Таркибида базавий таълим йўналиши бўлмай туриб, шу соҳада «касб таълими» ташкил қилиш тегишли моддий-техник ва интеллектуал базани яратишда жиддий муаммолар туғдириши мумкин. Базавий йўналиш бўйича тажрибага эга бўлмаган ҳолда шу йўналишда касб-ҳунар ўқитувчисини тайёрлашга уриниш муваффақият келтиришига ишониш қийин. Ҳозирда бундай ҳолат СамДУ да ҳам мавжуд.

Шундай экан, коллежлар учун касб-ҳунар ўқитувчиларини тайёрлашни қуйидаги икки йўналишда ёки уларнинг бири бўйича амалга ошириш таклифини кўриб чиқиш мумкин:

— биринчиси, касб таълими ўқув режаларининг ҳозирги тузилмаси сақланадиган бўлса, касб таълими ўқитувчилари тайёрлашни фақат мос базавий таълим шакилланган олий таълим муассасаларидагина олиб бориш;

— иккинчиси, касб таълими ўқитувчиларини тегишли йўналиш бўйича тўлиқ бакалавр маълумотини (дипломини) олганлар таркибидан бир йиллик педагогик-магистрлик курсларида тайёрлаш. Махсус педагогик дастурни бажарганларга магистр мақомига тенглаштирилган диплом бериш ана шу турдаги фаолият обрўси ва мавқеини оширишда яхши омил бўлар эди.

Педагоглар тайёрлашнинг шунга ўхшаш услуби айрим хорижий мамлакатларда қабул қилинган.

Бундай ёндашув ҳозирда касб таълими йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланадиган олий таълим муассасалари қабул режаси ва штатлар бирлигига салбий таъсир кўрсатмай, коллежларда ўқитувчилар таркибининг сифатини ошириш имконини беради деган умиддаман.

Касб-ҳунар коллежлари учун ўқитувчилар тайёрлашни, магистратуранинг педагогика мутахассисликлари бўйича қабул режасини ошириб, уларда қабул низомидаги тегишли чеклов шартларни бартараф қилиш билан ҳам амалга ошириш мумкин.

Шубҳасиз, бу ва шунга ўхшаш бошқа таклифлар баҳсли, мунозарали бўлиши табиий.

Ислоҳотлар жараёнининг ўзгарувчан талабларига мос равишда мақсад ва вазифалар мазмунига, ҳал этиш йўлларига аниқликлар киритилар экан, кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам шунга мос аниқликлар ва ўзгартиришларни амалга ошириш табиий заруратдир. Ана шундан келиб чиқиб, юқорида баён этилган таклифлар ва мулоҳазаларни муҳокама тарзида кўриб чиқиш кадрлар тайёрлаш мазмуни ва сифатини ошириш борасида қўйилган яна бир амалий қадам бўлиши мумкин.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
СамДУ ректори,
профессор



Қочқинларни жойлаштириш таклифи

БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича агентлиги Ироқ собиқ разведкаси бинолари мажмуидан мамлакатда яшаётган фаластинлик қочқинларни вақтинча жойлаштириш учун фойдаланиш ниятини билдирди. Агентликнинг Бағдоддаги раҳбари Дэниэл Белламининг сўзларига қараганда, агентлик ва халқаро ҳамжамият бу одамларнинг ўз уйларидан яна қувилиб, қочқинларга айланишига асло йўл қўймайди. Беллами Ироқдаги Америка маъмуриятига фаластинликларни муқаддам Ироқ разведкаси ходимлари эгаллаб келган уйларга жойлаштиришни таклиф этганлигини маълум қилди. Бинолар мажмуи Америка қўшинлари ҳозир эгаллаб турган манзил яқинида жойлашган.

Биргаликдаги ҳарбий машқлар

Россия ҳудудида 2004 йил бошларида ракетага қарши мудофаа бўйича Россия — Америка машкларини ўтказиш режалаштирилмоқда. Маълумки бундан аввал Россия ва АҚШ ҳарбий маҳкамалари шу йил августида ҳамкорликдаги Тинч океани машқларини ўтказишлари борасида келишувга эришишганди. Бундан ташқари, Россия мудофаа вазири Сергей Ивановнинг сўзларига кўра, 2004 йилда Шимолий Атлантика блоки билан ҳамкорлик доирасида Россия соф ҳарбий тусдаги яна 8 та тадбирни ўтказишни режалаштираяпти.

Якдил фикр

АСЕАН Тинчлик учун Нобель мукофотининг совриндори Аун Сан Су Чини озод қилиш масаласини муҳокама этиш мақсадида, Мьянмага ўз вакилларини юборишга ҳозирлик кўрмоқда. Гарчи расман бундай қарор қабул қилинмаган бўлса-да, уни барча ташқи ишлар вазирлари қўллаб-қувватлашди, — дейди Филиппин ташқи ишлар вазири Блас Опле АСЕАН мамлакатларининг Пномпендаги учрашувида. Мазкур таклифни эса Индонезия ташқи ишлар вазири Ҳасан Вираюда киритганди.

Самолётлар ўққа тутилди

Ливаннинг «Ҳезболлах» ҳарбий гуруҳи жанубий Ливан узра парвоз қилган Исроил самолётларини зенит қурилмаларидан ўққа тутган. Маҳаллий аҳолининг сўзларига қараганда, самолётлар Жанубий Ливаннинг қатор шаҳарлари, шунингдек, фаластинлик қочоқлар йирик манзилгоҳлари устидан жуда пастлаб учиб ўтган.

Хитой манзаралари

«Қувасойцемент» акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Қувасойцемент» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йил 18 июль куни соат 15.00 да корхона мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар:

1. «Қувасойцемент» АЖ Кузатув Кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.04.2003 йил № 189 қарори асосида тузилган «Қувасойцемент» акциядорлик жамиятининг Кузатув Кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.
3. «Қувасойцемент» акциядорлик жамиятининг 2002 йилги иш фаолияти якунларига кўра олинган соф фойда тақсимоти ва шу даврга дивидендларни ҳисоблаб тўлаш.
4. «Қувасойцемент» акциядорлик жамияти бошқаруви раисини сайлаш.
5. Бошқа масалалар.

Йиғилишда кўриладиган масалалар бўйича қўшимча маълумотларни Кузатув Кенгашидан олишингиз мумкин. Тел.: 3-33-49

Кузатув Кенгаши.

● АНЖУМАН

СИФАТ — ОЛИЙ МАҚСАД

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида (ОАК) бажарилаётган диссертация ишларининг сифати ва услубий савиясини кўтариш юзасидан амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Шулардан бири тематик илмий-методологик семинар бўлиб, бу анжуман олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг раҳбарлари, ихтисослашган кенгаш раисларига мўлжалланган.

Семинар «Илмий-тадқиқотлар сифатини аниқловчи назарий ва услубий шарт-шароитларнинг мажмуи» мавзусида бўлиб, дастлабки масала «Диссертация ишларининг сифати ва илмий-методологик савиясини оширишнинг асосий муаммолари», «Илмий-тадқиқот ишларини режалаштириш», «Маълумотларни йиғиш ва тадқиқотда қўллашнинг асосий тартиб-қоидалари. Математик ишлов бериш усуллари», «Илмий-тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш, талқин қилиш ва тақдим этиш», мавзуларига бағишланди.

Семинар давомида илмий тадқиқотларни режалаштириш масалалари, шахсий ЭҲМ ва стандарт дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда дастлабки материалларни оқилона умумлаштира олишнинг замонавий талаблари ва услублари, статистик таҳлил усуллари, натижаларни олдиндан айтиб бериш, моделлаштириш, шунингдек, изоҳлаш, умумлаштириш ва тақдим этиш каби масалалар муҳокама этилди.

Муҳайё ЯХНЯЕВА

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2003 йил 27 июнь ва 4, 11, 18 июль кунлари танлов ва кимошди савдоларини ўтказади

Танлов савдосига қуйидаги объект қўйилади:

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси

Бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Кимошди савдосига қуйидаги объект қўйилади:

Яккасарой тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган 264-сонли болалар боғчаси (фаолият турини сақлаб қолмаслик шарт эмас)

Бошланғич нархи — 12 923 000 сўм ёки 18 854 АҚШ доллари нархи билан сотилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Шунингдек, ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган Биржа савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Сирғали тумани ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли Сирғали тумани «СПУТНИК» даҳаси, 6-мавзе, 8-уйда жойлашган собиқ 6-сонли тиш даволаш поликлиникасининг биноси.

Бошланғич баҳоси — 5 590 800 сўм.

Танлов савдоларига аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Кимошди савдоларига қўйилган объектларга аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгор шахс объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдорида закалад пули тўлайди.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16А.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

ХАЛҚИМИЗ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

Аксинча, муддатли хизматни ўташга интилувчилар кўпаяди. Улар орасидан энг муносиблари танлаб олинади. Танловда нуфузли комиссия, жамоатчилик иштирок этади. Чақирилувчи ҳар томонлама соғ бўлишидан ташқари тест синовидан ўтиши керак, юқори балл тўпламоғи лозим. Демак, ҳар томонлама тайёрланган чақирилувчи ютади.

Фуқароларнинг ҳарбий ва муқобил хизматга чақирувини ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, шаҳарларда ҳамда туманларда чақирув комиссияси тузилади.

Чақирув комиссияларининг тузилиши ва фаолият тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Чақирув комиссияларининг шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан мудофаа ишлари органлари ва соғлиқни сақлаш вакилларининг албатта иштироки таъминланган ҳолда белгиланади.

Танлов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси, туман халқ таълими бўлими, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, мудофаа ишлари бўлими вакиллари иштирокида ҳарбий округлар комиссиялари томонидан ошкора ўтказилади.

Ўқиган ўқдан ўзар, деган гап бор. Чақирилувчи тенгдош чақирилувчидан устун келиши учун ўз устида ишлаши, ўқиши, изланиши зарур. Ана шундагина у аскар бўлиш бахтига муяссар бўлади.

Вояга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ўз Конституцион бурчини адо этишдан иборат бўлмасдан, балки хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур.

Бу йилги баҳорги чақирув муддатли ҳарбий хизматнинг нуфузи ортаётганлигини яққол кўрсатди. Минглаб талабгорлар орасидан энг муносиблари танлаб олинди. Яхшиси, аскарларнинг дил сўзларини эшитинг-а:

— Мен баҳорги чақирув бўйича муддатли ҳарбий хизматга олиндим, — дейди биз билан суҳбатда Чирчиқ гарнизонида ёш аскарлар йиғинида иштирок этаётган оддий аскар **Дилшод Абдуллаев.** — Ўзим Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги Ўзбекистон жамоа хўжалигидан бўламан. Дадам мактабда ўқитувчи, онам уй бекаси. Оилада тўнғич фарзандман. Ота-онам ҳам, қариндош-уруғларим ҳам муддатли хизматга олинганимдан хурсанд. Ўзимни айтмайсизми? Ростини айтсам, кўплаб чақирилувчилар орасидан хизматга танлаб олинаманми-йўқми, деб чўчиган эдим. Бир йиллик хизматнинг илк қалдирғочлари сафидаман. Бизни келган кунимиздан жуда яхши кутиб олишди. Шарт-шароитлар аъло даражада. Ҳозир аста-секинлик билан аскарлик ҳаётига мослашяпмиз.

— Хизматга келмасимдан илгари, — дейди Тошкент гарнизонида ўз бурчини ўтаётган Навоий шаҳрилик оддий аскар **Аҳмаджон Бурхонов,** — армияни ҳаёт мактаби, деб эшитганман. Олти ой хизмат қилиб, бунга амин бўлдим. Ҳақиқатан ҳам армия йигит кишига кўп нарсани ўргатар экан. Ростини айтсам, мен аскар бўлмасимдан аввал кун тартибига риоя қилиб яшамаганман. Армия ҳар дақиқадан унумли фойдаланишга ўргатар экан. Йигирма тўрт соат тўғри тақсимланса, ўқиб-ўрганишга, спорт билан шуғулланишга, газета ва журнал ўқишга, телевизор кўришга ва ҳатто дам олишга ҳам етар экан.

— Аскар ҳамиша шай турмоғи лозим, — дейди оддий аскар **Авазбек Умирзоқов.** У Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидан. — Бу шайлик ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Тинимсиз машқ қилиш зарур. Мен ва менинг сафдошларимнинг жанговар шайлигимиз талаб даражасида.

— Мен аскар деганда фақат жанговар ҳаракатларда юрадиган йигитни тушунар эканман, — дейди оддий аскар **Ризамат Норбоев.** (У Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидан). — Ўзим аскар бўлгач, бу фикрим хато эканлигини тушундим. Турли тадбирлар, учрашувлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Бадиий китоб ўқийман деганларга кутубхона эшиги ҳамиша очиқ.

Алишер Навоий, Бобур, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Одил Ёқубов ва бошқа ёзувчи-шоирларнинг китоблари хоҳлаганингизча бор. Фақат ўқиш керак, холос.

Бундай гапларни ҳар бир аскардан эшитиш мумкин. Бугун армия, бугунги аскар кечагисидан мутлақо фарқ қилади.

Бу хизматни ўтаётганлар бир йилдан сўнг, албатта, энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдоридаги пул бадалини тўлиқ тўлаб бўлишгач, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тенгдошлари каби ҳарбий гувоҳнома олишади. Агар улар тегишли ҳарбий ўқув мутахассислигига эга бўлишса, Куролли Кучларда шартнома асосида хизмат қилишлари, олий ҳарбий билим юртида ўқишлари, солиқ, божхона органлари, милицияда, бошқа давлат муассасаси ва ташкилотларида ишлашлари мумкин. Шу жиҳатдан сафарбарлик чақирув резервидаги ҳарбий хизматни муддатли ҳарбий хизмат билан тенг дейиш мумкин.

Яқинда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг оддий аскарлари ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори юрт посбонлари кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.

Хўш, бугунги миллий армиямиз кечаги армиядан нимаси билан фарқ қилади? Бу саволга Юртбошимиз аниқ ва тиниқ қилиб шундай жавоб берганлар:

«Агар мендан, янги армиямизнинг эски армиядан фарқи нимада, деб сўрашса, ҳарбий қурилиш соҳасида амалга оширилаётган мутлоқ принципиал ўзгаришлар, мақсад ва вазифалар билан бир қаторда Куролли Кучларимизда ҳукм сураётган соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, машаққатли синовлар, ҳарбий машғулотларнинг оғир юкини елкасида кўтариб юрган оддий аскар ва сержантларга бўлган эътибор ва эҳтиромда, деб айтган бўлар эдим».

Бугуннинг аскари кечаги аскардан умуман фарқ қилади. У нимани, кимни қўриқлаётганини яхши билади. «Хўп бўлади!» деган сўзни тушунган ҳолда айтади. Қолаверса, бугунги аскарга муносабат ҳам тубдан ўзгарган. Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан уларга кўрсатилаётган ғамхўрликни кўриб, билиб турибмиз. Зеро, армиямиз халқимиз таянчи ва суянчидир.

Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
ҳарбий журналист,
подполковник

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши, «Янги шаҳар» маҳалласи собиқ бошланғич партия ташкилоти котиби, туман кенгаши аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи

Асадулла Ғайбуллаевич ҒАЙБУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши кенгаш аъзоси, Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими масъул котиби

Шарофат БОТИРОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Тошшаҳарюктранс» уюшмаси жамоаси «Ўзтранссаноат» уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари В.А.Исмоиловга акаси

Алижон ҲОЖИ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Ёвлашмоқ — осон, ярашмоқ — қийин

Мазмуни: «Ёвлашмоқ (биров билан аразлашмоқ, уни ўз рақибига, душманига, қасдига айлантирмоқ, у билан алоқани тескари қилмоқ, «юз кўрмас» бўлиб кетмоқ) сал нарса билан бўлади-қолади. Ёвлашиб қолганидан кейин эса яна ярашмоқ, илгариги яхши муносабатни тикламоқ анча қийин бўлади (қуда-андачиликда, ошна-оғайнигарчиликда бундай ҳоллар бўлиб туради). Шундай экан, мумкин қадар ёвлашишдан, кўнгил қоларлик иш қилишдан сақлан. Ўзингни тий, бир-бирини тушунмаслик, англашилмовчилик, келишмаслик ҳолларида жаҳлингга, тилингга ва қўлингга эрк берма», деган маънода айтадилар.

Ёз ёзиғи — қиш озиғи

(ёзиқ — ёзда ёзиб (ёйиб) қуритилган мева-чева, ем-хашак, ўтин ва ш.к.). «Ёз меваси қиш хазинаси»; «Ёз қоқиси — қишга дори»; «Ёз юндиси — қишга қатиқ» («Ёзда пишадиган нарсаларни, ҳатто ёз тўкинчилигида назаринг илмай ташлаб юборадиган нарсаларингни (бу нарсаларни ерга тўкиб юбориладиган юндига ташбиҳ этганлар) қуритиб, қоқи қилиб олиб қўй, улар ҳеч нарса пишмайдиган ва танқислик сезиладиган қиш фаслида сенга асқотади», дейилмоқчи).

БОЛАЛАР СПОРТИ

ИЛМИЙ ЁНДАШУВ — ДАВР ТАЛАБИ

ёки ёш спортчиларни тайёрлашда дарслик ва қўлланмаларнинг етишмаётгани хусусида

Болаларга ватанпарварлик, халқпарварлик ҳақида узундан-узун маъруза ўқигандан кўра, бу юксак туйғуларни жисмоний тарбия ва спорт орқали уларнинг қалбига сингдириш кўпроқ наф келтиради.

Ислом КАРИМОВ

Жисмоний тарбия ва спортга, хусусан, болалар спортига илмий нуқтаи назардан ёндашиш зарур. Бугунги ҳаёт, соҳада олиб борилаётган туб ислоҳотлар шуни тақозо этмоқда. Республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги муҳим ҳужжат, асосий йўриқ бўлди.

Тошкентдаги Республика олимпия заҳиралари коллежи мана 40 йилдирки, малакали спортчиларни тайёрлаб келмоқда. Улар орасида Олимпиада ва жаҳон чемпионлари, Осиё ва Европа чемпионатларининг ўнлаб ғолиблари бор. Ушбу масканда спорт орқали ўқувчиларда Ватанга меҳр-муҳаббат ва ўз мамлакати учун ғурур-ифтихор туйғуларини шакллантириш бўйича ката тажриба тўпланган.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимида ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими базасида мутахассислар тайёрлашга катта эътибор бермоқда. Бугунги талаб Олимпия заҳиралари коллежларига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки, Олимпия заҳиралари коллежлари ўз мақомига кўра аввало, малакали спортчилар ҳамда ўқитувчи-мураббийларни тайёрлашга ихтисослашган. Ҳаёт бу коллежларда кадрлар тайёрлашнинг замонавий, такомиллашган касбий дастури ва янги ўқув адабиётлар бўлишини тақозо қилмоқда. Ҳукумат қарорига кўра, ўқув-режа ҳужжатлари ва ўқув адабиётларини ишлаб чиқаришнинг аниқ параметрлари ва кўрсатмалари белгиланган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда 6 та мутахассислик бўйича мураббий-ўқитувчиларни замон талаблари ҳамда жаҳон андозаларига мос қилиб тайёрлаш учун спорт маҳорати, спорт ва жисмоний тарбия назарияси ҳамда услуби бўйича 68 та дастур, 15 та ўқув қўлланмалари ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда Олимпия заҳиралари коллежларида «Мутахассисликка кириш», «Мактаб ёшидаги ўсмирлар жисмоний тарбияси асослари», «Спортчиларнинг ўз-ўзини бошқаруви», «Ҳаракатли ўйинлар», «Жисмоний тарбия тарихи», «Анатомия», «Физиология», «Биомеханика», «Спорт машқлари назарияси ва услубияти» каби фанларни ўқув қўлланмалари билан таъминлаш энг долзарб масалага айланган.

Ана шуларни эътиборга олиб, Республика олимпия заҳиралари коллежи жамоаси Республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Илмий-техник тараққиёт бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашининг фан ва технологияни мувофиқлаштириш маркази кўрсатган катта амалий ва молиявий ёрдами туфайли инновация лойиҳасини рўёбга чиқаришга киришди. Ушбу лойиҳа раҳбарлари ўз олдига республикада фаолият кўрсатувчи спорт коллежларида мавжуд бўлган спортнинг 24 тури бўйича касбий таълим дастурларини, 15 та касбий фанлар бўйича ўқув қўлланмаси, махсус спорт-педагогик маҳорати бўйича 24 та дастурни ишлаб чиқиш, спорт турларини ўқитиш услубияти бўйича 24 та фан дастурлари ва бошқа қўлланмаларни тайёрлаш ҳамда нашр этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар. Вазифаларни амалга ошириш учун ижодий жамоалар тузилиб, инновацион лойиҳанинг биринчи босқичи устида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шубҳасиз, бу ишларнинг барчаси мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, уни дунё андозаларига мослаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўролбой УТЕНОВ,
ТошкентдагиРеспублика олимпия заҳиралари коллежи директори ўринбосари, педагогика фанлари номзоди



Андижонлик ёш теннисчи Комила Мирзаолимова

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!



«ЎзДЭУавто» компанияси 2003 йилнинг 24-25 июнь кунлари эҳтиёт қисмлар сотувчи корхоналарнинг семинарини ўтказади

UZ-DAEWOO AUTO CO.

Семинардан кўзланган мақсад:
«ЎзДЭУавто»нинг эҳтиёт қисмлар сотуви бўйича янги шаҳобчаларни шакллантириш учун эҳтиёт қисмлар сотувчи дилерларга нисбатан қўювчи мезонлар ва талабларга мувофиқ бўлган ташкилотларни аниқлаш;

Семинарни ўтказиш жойи:
«Ўзавтосаноат» уюшмасининг Мажлислар зали.

Семинар плани:
24 июнь — қатнашчиларни рўйхатга олиш, эҳтиёт қисмларга буюртмалар бланкларини бериш.
25 июнь — семинарнинг асосий мажлиси.

«ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятининг дилерига сотувдан сўнгги хизмат кўрсатиш учун эҳтиёт қисмларни сотиш бўйича қўйиладиган мезонлар ва талаблар.

«ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти билан эҳтиёт қисмларни сотиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш истагида бўлган ташкилотлар, фирмалар ва корхоналар (Буюртмачи) қуйидаги мезонлар ва талабларга жавоб бериши лозим:

1. Тегишли эстетик кўриниш ва дизайнга мувофиқ бўлган дўкон мавжудлиги, у ўз ичига қуйидагиларни олади:
- Савдо зали саҳни камида 30 квадрат метр бўлиши лозим.
- Омборхона майдонлари камида 50 квадрат метр бўлиши керак.
- Алоҳида маъмурий ва маиший хоналар мавжуд бўлиши лозим.

2. Буюртмачи эҳтиёт қисмлар ва эксплуатация материаллари чакана савдосига лицензия (рухсатномага) эга бўлиши лозим.

3. Қуйидаги асбоб-ускуналар мавжуд бўлиши:
3.1. Савдо зали:
— савдо расталари ва витриналар;
— касса аппарати.
3.2. Омборхона:
— эҳтиёт қисмларнинг турли кўринишлари ва хилларига мўлжалланган ва улар сақланишини таъминловчи стеллажлар;
— йирик ҳажмли агрегатларни сақлаш учун жойлар;
— ўт ўчириш воситалари (шчит, ўт ўчириш мосламалари, гидронасослар).

4. Буюртмачининг омборхоналарида эҳтиёт қисмларни сақлаш шароитлари қуйидагиларни таъминлаши лозим:
— ёнғинга қарши хавфсизлик;
— эҳтиёт қисмларнинг сақланиши ва бутлиги;
— эҳтиёт қисмларнинг ишдан чиқиши ва бузилишига йўл қўймаслик.

5. Камида 15 миллион сўмлик миқдордаги эҳтиёт қисмларнинг ҳар ойда харид қилиниши учун айланма маблағлар мавжудлиги.

6. Буюртмачи ходимлари сотувдан сўнгги хизмат кўрсатиш учун эҳтиёт қисмлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши лозим.

Семинарда қатнашиш истагида бўлган ташкилотлар Тошкентдаги қуйидаги телефон рақамлари: 67-82-96, 67-32-12, 67-55-91 орқали ёки қуйидаги манзилга: Тошкент шаҳри, Ҳабиб Абдуллаев кўчаси, 30-уй, «ЎзДЭУавто» компаниясига мурожаат этишларини сўраймиз.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ilhom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 512
11352 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA